



Мукаддама

Ибн Баттута жакон маданияти ва тафаккури ривожиди Ибн Хурдодбех, ал-Яъкубий, ал-Истахрий, ал-Мукаддасий, ал-Масъудий, Ибн Хавкал каби ўрта аср араб географлари ҳамда Абу Хамид ал-Гарнотий, Ибн Фадлон, Ибн Жубайрлардек сайёхлар орасида ўзининг «Саёхатнома»си билан алохида ўрин тутган машхур араб сайёхидир. Унинг «Саёхатнома» асари ўрта аср мамлакатлари, шаҳарлари, уларнинг халклари маданияти, турмуш тарзига оид гоят кимматли, кўп ўринларда ягона маълумотлари билан бошқалардан ажралиб туради. Академик И. Ю. Крачковский Ибн Баттутани «Барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиккан сўнгги энг буюк сайёх», дея эътироф этган эди.

Тасвир ва тавсиф этилган ерлар, мамлакатлар, халklar микдори ва микёси жихатидан, нихоятда хилма-хил маълумотларнинг кўплиги (география, этнография, маданият, иктисодиёт, топонимика, антропология, тарих, дин, шаҳарсозлик ва хоказо), баёнининг соддалиги, ҳакконийлиги ва ҳужжатларга асосланганлиги жихатидан Ибн Баттута «Саёхатнома»си XV асргача бўлган мусулмон географик адабиётидагина эмас, умуман бутун дунё тасвирий географик адабиёти тарихида тенги йўк асардир. Географик кашфиётлар ҳақидаги монументал асар муаллифи Рихард Хеннинг: «XIV асрда яшаган марокашлик Ибн Баттута, шубҳасиз, кадим дунёда ва маълум бўлган барча ўрта аср сайёхлари ичида энг буюги деб тан олиниши керак. Хатто Марко Полонинг муваффакиятлари ҳам бу саёхат ишкибози бутун умрини бағишлаган хайратомуз меҳнат олдида ҳеч гап эмас... Гарчи XIV-XVIII асрларнинг буюк денгиз саёхатчилари умуман олганда XIV асрда яшаган Ибн Баттута босган йўллардан кўпроқ масофани босиб ўтган бўлсалар ҳам, бу марокашликни Магеллангача бўлган барча даврнинг энг буюк сайёхи деб атасак муболага бўлмайди», - деганида худди шуни кўзда тутган эди.

Бир карашда у мукаддас шаҳар ва кадамжоларни зиёрат килиб, шу туфайли замондошлари олдида эътибор козониш ёки 1305 йили Дамашкда бўлганидек, фикрдан ваъзу мунозаралар тинглаб, бирон ҳадис мажмуасидан мударрислик килиш ҳукукига эга бўлиш ёхуд турли мамлакатларнинг ҳукмдорлари, нуфузли арбобларидан ҳадялар олиш сингари шахсий манфаатларини кўзлагандек кўринади.

Аммо булар асосий муддао эмас эди. Афтидан, уйғониш даври тонгида Шарк ва Европадан чиккан кўп сонли сайёхлар сингари Ибн Баттута ҳам янги ўлкалар очувчи кашшофлар сирасидан бўлган. Уни иктисодий ва сиёсий сабаблардан кўра кўпроқ дунёни кўриш-билиш ташналиги йўлга чорлади. Дунё кенгайиб борар, бу ҳақда кизикарли маълумотлар бериб, халкларнинг билим доираларини орттиришда сайёхларнинг хизмати кам эмас эди.

Арабларга таниш бўлган «аҳолиси яшайдиган куруклик» тобора кенгаяр, у билан бирга янги мамлакат ва шаҳарларга кизикиш ҳам ортар, номаълум элу элатлар билан танишиш орзуси, Ибн Баттутанинг ўзи ёзганидек, «дунё кўриб кўнгил очиш, турли ажойиботларни кўриш, мўъжизалар ҳақида хикоялар эшитиш, кенг билим орттириш, кизик-кизик одамлар билан танишиш, тақдирни синаш» истаги кучайиб борди. Ибн Баттутанинг «бир юрган йўлдан иккинчи марта ўтмаслик» ҳақидаги шиори ҳам худди мана шу мумкин қадар кўпроқ кўриш-билиш истаги билан изоҳланади. Сайёх йўлида дуч келган тўсик ва кийинчиликлар ҳам, турли машаққатлар ва муҳтожликлар ҳам уни аҳдини ўзгартиришга мажбур эта олмаган эди.

Ибн Баттутанинг турли халклар ҳаёт тарзи, кийиниш маданияти, урф-одатлари ва эътиқодлари борасидаги тафсилотларга тўхталиб ўтиши баъзи тадқиқотчилар томонидан уни нафакат сайёх, факих, тарихчи, балки ўрта аср илк антропологларидан, баъзилар томонидан эса этнологларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган.

Шу жихатдан ижтимоий ҳаёт, урф-одатлар, эътиқодлар ва қадриятлар ҳақида жуда бой материални ўз ичига олган «Саёхатнома» антропологик жихатдан ҳам қимматли манба ҳисобланади. Асарда турли халклар дастурхонига мансуб турли таомлар таърифлари, байрам ва мотам кийимлари, сиёсатдан тасаввуфгача бўлган ўша давр кишисига тегишли барча масалаларда маълумотлар берилган. Тадқиқотчилар «Саёхатнома»нинг ана шундай энциклопедик жихатига эътиборни қаратганлар. «Саёхатнома» географик тавсиф бўлибгина қолмай, балки мемуар - эсдаликлар, йўл хотиралари сифатида ҳам аҳамиятлидир. Бу ўринда муаллифнинг шахсий кузатишлари, кечинмалари биринчи ўринга чиқади ва асарнинг маълум маънода бадиийлигини таъминлайди.

Китобий таҳсилга унча майли бўлмаган ва ўз билимларини кўп йиллик дарбадарликда, ўзига замондош бўлган олимлар билан мулоқотда жамгарган сайёх ўз хотирасини шунчалик ўткирлаштириб, баёнчилик касбида шундай маҳоратга эришган эдики, учратган одамларини, кўрган ажнабий юрт ва шаҳарларининг қиёфаси ҳамда фазилатларини то умрининг охиригача ёдидан чиқармади. Унинг фактик материалларга бой, бениҳоя тафсилотлар билан тўла хикоялари кўп вақт ишончсизлик ва гумонсирашларга сабаб бўлиши табиий эди. Фосда, Маринийлар саройида хикоя қилинган «ажойиб воқеалар»га билдирилган ишончсизлик охир-оқибатда сайёхга ижобий таъсир қилди. «Хурматли зотлар»нинг бундан кейинги таъналаридан эҳтиёт бўлиб, Ибн Баттута ўз таассуротлари баёнида жуда пухта, аниқ ва эътиборли бўлишга қарор қилди.

Ўз кузатишлари баёнида Ибн Баттута «ўз қўлим билан кўрганман», бошқа ҳолларда «буни фалончидан эшитганман», деб таъкидлайдиган бўлди. Воқеаларни баён этишда у

ўзи хакикат деб ёзган маълумотларини аниқ далиллаш йўлидан боради, ўзга ҳолларда эса масъулиятни ўзидан соқит қилиб, баъзи манбаларни эслатиб ўтиш билан чегараланади. Бу фазилат Ибн Баттута «Саёҳатнома»сининг назарий ва амалий қимматини янада оширади.

В. В. Бартольднинг таъкидлашича, «араб географик адабиётининг китобий туси ва шу билан боғлиқ бўлган хронологик ноаниқлиги ундан фойдаланишни бирмунча қийинлаштиради. Масалан, агар бир муаллиф X асрда, бошқа бири эса XI асрда ижод этганини билсак, бу иккинчисининг ҳикоялари биринчисиникидан кўра кейинроқ даврга мансуб, деган сўз эмас; деярли барча муаллифлар манбаларни санаб ўтмасдан, уларнинг даврини аниқламасдан китобларга қараб ёзаверишган кўпинча XI аср асарларида X асрдан анча олдинги манбалардан фойдаланилган бўлиб чиқади».

Айтиш керакки. Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»си эса араб географик адабиёти тарихида алоҳида ажралиб туради ва «ўз кўзи билан» кўрган мамлакатларнинг географик тавсифи - рихла (саёҳат) жанрининг юксак муваффақияти ҳисобланади. Географик адабиёт жанри - рихлатнинг биринчи ёрқин намунаси Ибн Фадлоннинг «Волгага саёҳат»и эди. Аммо уни ҳажми ва миқёси жиҳатидан Ибн Баттута «Саёҳатнома»си билан сира тенглаштириб бўлмайди. Бу жанрдаги яна бир ёдгорлик Ибн Баттутанинг муҳаррири томонидан фойдаланилган Ибн Жубайр китобидир. Бу китобни ҳам Ибн Баттута «Саёҳатнома»си билан бир қаторга қўйиш мантикий эмас, чунки Ибн Жубайр географик жанрда эмас, ёзишмалар шаклида асар яратган.

Ушбу саҳифаларда тадқиқ қилинаётган «Ибн Баттута саёҳати» (XIV аср) араб сайёҳлари қолдирган ёзма ёдгорликлар орасида муҳим ўрин тутади. «XIII-XIV аср қоинот тавсифлари ва қомусларидан кейин, - деб ёзади И. Ю. Қрачковский, - умуммусулмон ёзма адабиёти ўз авж нуктасини топади... саёҳатнома жанри миқдор жиҳатидан узлуксиз бойиб боради, бу ўринда яна эътиборга лойиқ жойи шуки, барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиққан сўнгги буюқ сайёҳ ҳам XIV асрга мансуб. У ҳам бўлса машҳур Ибн Баттутадир. Унинг саёҳатномаси араб мактабларида қанул ўқитилмоқда... Олтин Ўрда ёки Ўрта Осиё ҳақида бирон асар йўқки, бу зот тилга олинмаган бўлса...»

И. Ю. Қрачковский Ибн Баттутани «энг охири универсал амалиётчи - географ, китобхўр - қўчирмачи эмас, балки қоят қўп мамлакатларни шаҳсан кезиб чиққан сайёҳ», деб атайди. У ўзининг йигирма саккиз йиллик сафари давомида шимолий ва қарбий Африка, Арабистон қрим ороли, Ҳиндистон ва Испания, Туркия ва Эрон, Ўрта Осиё ва шарқий Европа ҳамда Ҳитойнинг юзлаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди. Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»сида энг олис элу элатлар тўғрисида қизикарли ҳикоялар шу қадар қўпки, муаллифнинг қамондошлари уларнинг баъзиларига ишонқирамай, ҳаёлий манзаралар, деб ҳисоблаганлар. Ҳатто Ибн Баттута билан шаҳсан қаниш бўлган машҳур олим Ибн Ҳалдун ҳам «одамлар уни ёлғончилиқда айбламоқдалар», деб «Саёҳатнома»даги ҳикоя ва баёнларга қиддий муносабатда бўлмаган. Қўпгина Европа олимлари ҳам Ибн Баттута маълумотларига ишонқисизлик билан қараганлар. Бу қол эса ўз вақтида «Саёҳатнома»ни муносиб қавишда бақолашга ва унинг қатнини тиклашга қонелиқ қилган.

Шарқшунослик қани ва география тадқиқотчилиги қивожланган сари турли мамлакат

олимлари Ибн Баттута ёзмалари ўрта асрда яшаб ўтган, турли мамлакатларни кезиб чиккан шахснинг хаёлий хотиралари эмас, балки халқлар ва ўлкаларни бевосита кузатган холис ва ҳалол одамнинг таассуротлари эканига тобора амин бўла бошладилар.

«Саёхатнома»га географик, тарихий, маданий ва бошқа соҳаларга ҳос хилма-хил маълумотлар манбаи сифатида кизиқиб қараш масаланинг бир жихати, ҳолос. Гап шундаки, «Саёхатнома» ўша замон кишиларининг ўзига ҳос дунёқараши, фикрлаш доираси, манфаатлари, воқеа ва ҳодисаларга муносабати, урф-одатлар ва қадриятларни баҳолай олиши қабил масалаларни ўрганишда даврнинг ҳар хил «маиший ва ахлокий» тасвирларидан кўра ишончлироқ ва қимматлироқ адабий-маънавий бир ёдгорлик ҳамдир.

«Саёхатнома» мансуб бўлган жанрнинг, адабий-иждодий йўналишнинг муҳим белгилари нималардан иборат? Ибн Баттутанинг ёзмалари сайёҳнинг босиб ўтган йўллари, маълумотларининг ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан ўрганилиб, тарихчилар, археологлар, чакка танга тадқиқотчилари (нунизматиклар) томонидан кўп фойдаланилган бўлса ҳам, бу жихатдан ҳали етарли ўрганилмаган.

Фикримизча, мазкур асар унда берилган воқеий маълумотлар нуқтаи назаридангина эмас, балки адабий-иждодий воқеа сифатида ҳам жиддий эътиборга лойиқ. «Саёхатнома» тадқиқотчиларининг деярли ҳаммаси яқдиллик билан таъкидлайдиларки, бу асарнинг услуби «риҳла» туридаги «Йўллар ва давлатлар китоби» (жумладан, Ибн Хурдодбех, Ибн ал-Факих, ал-Истаҳрий ёзмалари) қабил асарлар услубидан, шунингдек, ажойиб қомусчи олим Ёкут ал-Ҳамавий қаламига мансуб бўлган, ўрта асрларнинг энг муқаммал географик мажмуаси «Мўъжам ал-булдон»нинг услубидан ҳам анча фарқ қилади. Масалан, Абу Ҳамид ал-Ғарнотийнинг сафар баёни услуб жихатидан «Йўллар ва давлатлар китоби»га яқин туради, «Саёхатнома»да эса ўша замонларда кенг тарқалган анбиё қиссалари ёки «маиший» адабиёт намуналарининг таъсири кузатилади. Бундай таъсир, айниқса, авлиёлар ва сўфий шайхлар қароматлари ҳақидаги кўп сонли қўшимча тармок ҳикояларда сезилади.

Гап Ибн Баттутанинг бир «мусулмон аллома» сифатида сайёҳат қилганлигидагина эмас (гарчи бу ҳам, айниқса, мусулмон ҳукмдорлар назарида унинг обрў ва эътиборини оширганлиги шубҳасиз), балки даврнинг умумруҳий ҳолатида ҳамдир: форс ва араб тилларида тасаввуф шеъриятининг ривожланиши, авлиё ва анбиё қиссаларининг кенг тарқалиши, халқ анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлган сийра жанрининг тараккий топиши даврнинг маълум маънавий-руҳий вазиятини белгилар эди.

Ибн Баттута, ҳудди Марко Поло сингари, гоҳида бизга арзимас бўлиб кўринган ҳодисаларга тўхталади, чунончи, ўзини қаерда қандай кутиб олганликлари, берган тўхталари тўғрисида батафсил ёзади. Аммо буни муаллифнинг ўзига «ортиқча бини қўйиш» иллатига йўйиш ҳато бўларди. Ибн Баттута бундай тасвирларни ўзи учун жуда муҳим деб билган, чунки амир ё султоннинг қелган сайёҳга ўзининг қайси томонидан жой тақлиф этиши ҳам ўша давр расмига биниоан қатта маъно қасб этар эди. Мўъжизалар, шайх ва авлиёларнинг макбаралари ҳақида кўп сонли ҳикояларни ҳам Ибн Баттута ҳудди шундай сермаъно омил деб ҳисоблаган.

Тадкикотчи Абдуллох Абдулгани Гоним Ибн Баттутани илк антропологлардан санаб, «Саёхатнома»нинг маълумотлари урф-одатлар, иктисодий ва ҳукукий амалиётлар жихатидан ўрганиб чиқилганда, тафсилотларга бойлигини алоҳида таъкидлайди. Мисол учун, Хиндистон билан боғлиқ қисмда ўликни ёкиш маросимига алоҳида ўрин ажратилган, Эроннинг Ферузон шаҳрида жаноза маросимлари тўй кўтаринкилигида ўтиши билдирилган, Ийзажда жаноза муносабати билан жамоат кокиллари кесиб дод-фарёд кўтариши баён этилган, Онадўли воҳасида қабрлар уйи ёдга соладиган қилиб - ёғоч томлар қурилишига тўхталиб ўтилган.

Ибн Баттута кезган ўлкаларнинг географияси ва иктисоди ҳақида ҳам тўлақонли маълумотлар беради. Бирок профессионал географ бўлмагани учунми масофаларни маълум қилмайди, факатгина сафарининг неча кун давом этганини қайд этади. Асосий эътибори турли қитъаларда яшовчи халқлар ҳаёт тарзи, маданияти билан танишишга қаратилган бўлгани учун жуда кўплаб шаҳарларни «бинолари мустаҳкам, масжидлари катта ёки кичик», «кўҳна дарвозаси бор, қалъанинг ички қисми бўм-бўш» тарзидаги жумлалар билан тасвирлаб ўтади.

Ибн Баттута сўфийлар ва зохидларни ўзига яқин тутганлиги сабабли уларнинг ўғитларига доимо амал қилган. «Саёхатнома» асари мана шу жихати билан ўша даврнинг тасаввуфий қаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар тақдим этади. Оддий одамдек кўринишига қарамай унинг услубида гайритабиий рангинлик ва кишини ларзага солиш хусусияти ҳукмрон эди. Кези қелганда у баъзи сўз ва ҳикояларга ишонмаганини билдирса-да, ишончли бир кишидан қелган ривоятни рад этмай, уни ўз асарида баён этган.

Ибн Баттутанинг ўзи ҳақида биографик маълумотлар кам. Атоқли сайёхнинг номи қенг тарқалган бўлишига қарамай, араб тарихий манбаларида у ҳақда иккитагина кичик қайдни топиш мумкин: бири - Ибн Халдуннинг машҳур «Муқаддима»сида, иккинчиси - Ибн Хажар ал-Аскалонийнинг биографик лугатида. Ал-Аскалоний Ибн Баттута ҳақида сўзлаб, ўз замондошлари Ибн ал-Хатиб (вафоти 1374 й.) ва Ибн Марзук (вафоти 1448 й.) маълумотларига таянганини айтади. Шунга қарамасдан Ибн Баттутанинг ҳаёти ва шахсияти ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи унинг ўз «Саёхатнома» асари эканини таъкидлаш лозим.

Ибн Баттутанинг саёхати ҳақиқий жасорат, шу билан бирга гоёат қатта жисмоний ва маънавий матонатгина эмас, ҳушёрлик, турли вазиятларга мослаша билишни ҳам талаб қиладиган оғир ва машаққатли меҳнат эди. Унинг бутун ҳаёт йўли саргардонлик ва дарбадарлик билан ўтганки, уни сафару саёхатлардан ажратиб баён этиш мумкин эмас. Унинг бутун туриш-турмушига айланган бу саёхатлардан муддао нима эди? Ибн Баттута ўз шахси, ўз интилишларининг сабаблари тўғрисидаги мулоҳазалардан қочади, бу ҳақдаги маълумотларни сайёх ёзмаларининг тўқимасидан топиб теришга тўғри қелади.

Қуйида Ибн Баттутанинг «Саёхатнома» асари, уни тадқиқ ва таржима қилиш жараёнида эришилган илмий ҳулосалар ҳамда ўша даврда яшаб ўтган бошқа араб ва араб бўлмаган буюқ алломалар, сайёхлар ва тарихчиларнинг асарларига мурожаатларимиз асосида олинган тарихий далилларга таяниб, Ибн Баттутанинг ҳаёти ва ижоди, «Саёхатнома»

асари, унинг тадқиқотларига оид маълумотларни тақдим этамиз.

Н. Иброхимов